

Qishloq hayoti

2013 йил

Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2013-YIL 23-APREL, SESHANBA, 50 (8131)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqqa boshlagan
Bahosi kelishilgan narxda.



Миришкор пахтакорлар обитобида чигит экиб, ниҳолларни тупроқнинг табиий намига ундириб олишди. Бу йилнинг хосиятли келаётганлигидан нишона. Айни пайтдаги иқлим ва яратилган шароит мўл, эртаги ва сифатли ҳосил етиштириш имкониятлари катталигини кўрсатмоқда.



Тошкент ирригация ва мелиорация институтида таълим олган бакалавр ва магистрлар мамлакатимиз аграр ва сув ҳўжалиги соҳасида қўлланилиб келаётган замонавий техника ва технологиялар билан кенг таниш бўлиб, иш фаолиятини бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда ташкил қилишда мўқаммал назарий ва амалий билимларга эга бўлган мутахассислар ҳисобланади.



Мамлакатимизга полиомиелит касаллигига қарши олиб келинаётган вакцинанинг ҳавфсизлиги Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг махсус сертификати билан кафолатланган бўлиб, эмлаш оғизга тўрт томчи вакцина томишиш йўли билан амалга оширилади. Ота-оналар 5 ёшгача бўлган фарзандларини ўзлари яшаётган ҳудуддаги тиббиёт муассасасларига олиб чиқиб эмлатишлари мумкин.

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

Куннинг муҳим воқеалари

► Пойтахтимизда Ўзбекистон ипақчилар ва ипақ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар «Ўзбекистон ипақи» ассоциациясининг пиллачилик мавсумида амалга оширилган ишларга бағишланган йилги иштироки бўлиб ўтди. Унда ассоциациянинг пилла етиштириш, уни қайта ишлаш, соҳага хорижий инвестицияларни жалб этиш, экспорт-боп матолар ишлаб чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича амалга оширилган ишлари ва галдаги вазифалари юзасидан атрофлича фикрлашди.

► «Тошкент-Қарши-Урганч» йўналишидаги янги «Афсона» махсус саяҳат поезде қатнови йўлга қўйилди. «Афсона» поезде 8 та юқори классли вагондан иборат бўлиб, унда вагон-ресторан ва йўловчилар учун зарур шартнослар муҳайё қилинган. Маҳаллий ва хорижий сайёҳларнинг Хоразм вилоятига сафари учун мўлжалланган мазкур поезд қатнови, ўз навбатида, юртимиз туристик салоҳиятининг юксалишига ҳам хизмат қилади.

► Нукус шаҳридаги «Версаль» тантаналар саройида «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» нодавлат нотижорат ташкилоти, «Меҳр нури» жамғармаси ва «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга бағишланган хайрия тадбири ўтказилди.

► Жиззах шаҳрида юқумли касалликлар шифохонасининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Шифохона таркибида замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган жонлантриш, ультра товуш ташхислари бўлимлари, лаборатория, дорихона ва бошқа зарур бўлимлар бор.

Наманган Вилояти



ИФТИХОРГА АРЗИГУЛИК СИФАТ

«Ифтихор кийим саноат» масъулияти чекланган жамияти бундан 5 йил аввал фаолиятини бошлаганди. Ҳа пайтларда корхонада бор-йўғи ўн киши ишлар, эски тикув дастгоҳларидан фойдаланиларди.

— 2009 йили фойдаланилмаётган бинони «Ким ошди» савдосида сотиб олдик, — дейди жамият раҳбари Анна Добрих. — Олинган даромад ва таъсисчиларнинг шахсий маблағлари ҳисобига ишлаб чиқариш бунёдига тўла-тўқис таъмирлашга киришдик. Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ солиқ ва божхона имтиёзлари боис тежалган маблағларга қўшимча ускуналар сотиб олдик. Шундан кейин ишларимиз юришиб кетди.

Корхона фаолиятини тубдан ривожлантиришда 554 минг АҚШ доллари миқдоридagi имтиёзли кредитнинг йўналтирилганлиги, ушбу кредит ҳисо-

бига Германия, Япония, Туркия давлатларида ишлаб чиқарилган замонавий дастгоҳлар олиб келинганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Натижада барча ишлаб чиқариш жараёнлари замонавий техника воситалари ёрдамида бажариладиган бўлди. Айни кунларда корхонанинг 86 нафар ишчи-ходими бўлиб, уларнинг 50 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Наргиза Аҳмедова, Садоқат Боқиева, Убайдулло Мақсудов, Илҳомжон Пулатов. — Корхонамизда биз ёшлар учун барча шартнослар яратиб берилган. Ишга келиб-кетиш учун транспорт хизма-



ти ҳамда икки маҳал иссиқ овқат ташкил этилган.

Корхона ҳаёти билан яқиндан танишиб, Анна Добрих бошчилик қилаётган жамоа Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган «Ташаббус-2013» кўри-

танловининг республика босқичида «Энг яхши тадбиркор» йўналиши бўйича иккинчи ўринни эгаллагани бежиз эмаслигига амин бўлдик. **Маъмур МУСУЛМОНОВ,** «Qishloq hayoti» муҳбири. Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

ЮКСАЛИШ ОДИМАЛРИ

Навоий Вилояти

САМАРАДОРЛИК ОШМОҚДА
Навоий шаҳридаги «Қизилтепа Турон» масъулияти чекланган жамиятига қарашли «Турон нон» цехида амалга оширилаётган техник ва технологик янгиланишлар корхона ишлаб чиқариш қувватининг ошишига имкон яратди.

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Қизилтепа тумани бўлими имтиёзли кредити ҳисобидан корхонага Шведиядан замонавий «Revent» ускунаси келтириб ўрнатилди. Ишлаб чиқарилаётган нон ва нон маҳсулотлари тури 15 тага етказилди.

— Цехда ишлаб чиқариш жараёнининг энг замонавий, илғор технология асосида ташкил этилиши туфайли сифат ва самарадорлик ошди, — дейди корхона технологи Алишер Камолтов. — Бир кеча-кундузда 2,5 тонна ун тайёр маҳсулот ҳолатига келтириляпти. Жамоамиз аъзоларини, асосан, ёш йигит-қизлар ташкил этади. Шведиялик мутахассислар билан ҳамкорлик натижаси ёшларимиз малакаси, тажрибаси ошаётганида, улар замонавий ускуналарни бемалол бошқараётганида сезилмоқда. Тайёр маҳсулотлар асосан шаҳар аҳолиси эҳтиёжи учун етказиб берилляпти.

Абдураул САТТОРОВ

Сурхондарё Вилояти

ИСТИРОХАТ БОҒИ ЧИРОЙ ОЧДИ

Бугунги Термизни бундан беш-ўн йил олдингиси билан асло солиштириб бўлмайдми. Истиклол шарафати билан вилоят маркази тобора гўзаллашиб, кенгайиб, чирой очиб борапти.

Сўнгги йилларда бунёд этилган кенг ва равон кўчалар, замонавий турар-жой бинолари, бозорлар, мухташам спорт мажмуалари, умумтаълим мактаблари, касб-хунара коллежлари ва академик лицейлари ҳамда даволаш муассасалари шаҳар кўрғига-кўрк қўшмоқда. Уларда яратилган шарт-шартнослардан аҳоли мамнун бўлмоқда.

Айни кунларда шаҳардаги Бобур номидаги истироҳат боғига кирган кишининг баҳри дили очилиб, кайфияти кўтарилади. Чунки боғда кенг кўламда қуриш ва таъмирлаш ишлари олиб борилди. Ушбу дам олиш масканида сўнгги пайтда 2 миллиард сўмликдан зиёд таъмирлаш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ушбу маблағ ҳисобига Раҳматулла Аъзамов бошлиқ «Термиз таъмир қилиш Файз» ҳусусий корхонаси жамоаси боғнинг барча йўлакларига 8,1 минг квадрат метр ҳажмда шаклли бетон тўшамалари ётқизиб чиқилди. Бундан ташқари, 350 дона тунги ёриткич чироқлари, 50 дона махсус ўриндиқлар ўрнатилди.

Боғда ичимлик суви учун артезиан кўдуги қавланди. Дам олиш масканининг атрофлари чиройли, шакли панжаралар билан ўралди. Дарахларга шакл берилиб, турфа хил гуллар экилди. Энг қувонарлиси, боғда барчага бирдек завқ бағишлайдиган турфа рангда товланадиган муслиқли фавора ўрнатилди. Сирасини айтганда, ҳаммининг мириқиб дам оладиган масканига айланди.

Чори ЖУМАҚУЛОВ

Қашқадарё Вилояти

КАТТАБОҒНИНГ ХУШТАЪМ АСАЛИ

Яккабоғ тумани Каттабоғ қишлоғидаги асаларичиликка ихтисослашган «Аҳмедов Султон Поёнвич» фермер хўжалиги раҳбари Поён Аҳмедов меҳнати ортдан элда обрў топиб келаётган инсонлардан.

— Дастлаб ишчи икки қути асалари парваришидан бошлаган эдик, — дейди Поён Аҳмедов. — 2010 йилда асаларичиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил эдик. Шу йил 100 оила асаларидан 1,5 тонна, 2011 йилда эса 120 оиладан 2 тонна маҳсулот олдик. 2012 йилдаги кўрсаткичларимиз бундан-да юқори бўлди. 150 асалари оиласидан 2,2 тонна асал олишга эришдик.

Обод турмуш йилидаги режаларимиз янада юксак. 2,5 тонна асал етиштириш учун арилар парваришини кўнгилдагидек ташкил этаймиз. Ялли даромадни 35 миллион сўмга, соф фойдани эса 25 миллион сўмга етказамиз.

Асаларичилик ниҳоятда назик соҳа. Боларилар тозалик, озодалчини хуш қўради. Фермер улар парваришига жиддий эътибор қаратади. Дарвоқе, хўжаликда оилавий асаларичилар фаолият юритади, десак муболага бўлмас. Фермер фарзандлари — Ёқубжон, Валижон, Султонжон ва келинлари билан бирга меҳнат қилмоқда. Соҳа учун зарур бўлган — асалари роми, қути ва пакет қутилари хўжаликнинг ўзиде тайёрланади. Яшиқлар учун кўрпача, юз ниқо-би ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган.

Хусан ТЕМИРОВ

ДИПЛОМАТИЯ КОРПУСИНING РАҲБАРЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚЛАРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИ ЮҚОРИ БАҲОЛАШМОҚДА

«Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзусидаги халқаро конференция хорижий экспертлар, ушбу соҳа мутахассислари ва олимларда катта қизиқиш уйғотди. Илгари хабар берилганидек, мазкур анжуманда дунёнинг 50 дан зиёд мамлакатидан, БМТ, Ислам тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, МДҲ сингари халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг ҳамда Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатия корпусининг қарийб 250 нафар вакили иштирок этди. Тошкентда аккредитациядан ўтган дипломатия корпусининг раҳбарлари «Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбирлари билан бўлиб ўтган мулоқот чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг ушбу халқаро анжумандаги нутқи ҳамда мамлакатимиз қишлоқларида рўй бераётган уй-жой қурилиши билан боғлиқ таассуротларини ўртоқлашдилар.

Мамлакатингизда амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида шаҳарлар ва қишлоқларнинг ривожланиши ўртасидаги тафовут қисқариб бормоқда.

Президент Ислам Каримовнинг халқаро конференцияда сўзлаган нутқи ўзининг сермазmunлиги билан менда катта таассурот қолдирди. Унда қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва уларнинг қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили бўлиши замонавий уй-жой қурилишининг барча жиҳатлари тилга олинди.

Мамлакатингизда амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида шаҳарлар ва қишлоқларнинг ривожланиши ўртасидаги тафовут қисқариб бормоқда.

Президент Ислам Каримовнинг халқаро конференцияда сўзлаган нутқи ўзининг сермазmunлиги билан менда катта таассурот қолдирди. Унда қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва уларнинг қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили бўлиши замонавий уй-жой қурилишининг барча жиҳатлари тилга олинди.

Мамлакатингизда амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида шаҳарлар ва қишлоқларнинг ривожланиши ўртасидаги тафовут қисқариб бормоқда.

Президент Ислам Каримовнинг халқаро конференцияда сўзлаган нутқи ўзининг сермазmunлиги билан менда катта таассурот қолдирди. Унда қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва уларнинг қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили бўлиши замонавий уй-жой қурилишининг барча жиҳатлари тилга олинди.



Давлатингиз раҳбари ўз нутқида жаҳон ҳамжамияти ва халқаро ташкилотларни қишлоқларда уй-жой қурилиши бўйича лойиҳаларни амалга ошириш борасида ўзаро ҳамкорликка чорлади. БМТ Тараққиёт дастури Ўзбекистон

билан бу соҳада ҳамкорлик олиб боришга доимо тайёрдир. Хусусан, ҳозирги вақтда биз қишлоқ жойларда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича ҳамкорлик қилмоқдамиз. (Давоми 2-саҳифада)

ДИПЛОМАТИЯ КОРПУСИНING RAQBARLARI ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚЛАРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИ ЮҚОРИ БАҲОЛАШМОҚДА

(Боши 1-саҳифа)

Жордж Крол, Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавкуллда ва Мухтор элчиси:

— Бўлиб ўтган конференция Ўзбекистонда қишлоқларни ривожлантириш ва уларнинг қиёфасини ўзгартириш бўйича эришилган ютуқ ва муваффақиятлар эътирофининг тасдиғи ҳисобланади.

Мамлакатингиз мураккаб ривожланиш йиллари давомида миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш йўлида катта муваффақиятларга эришди. Ўзбекистоннинг қайси бир вилояти ёхуд минтақасига бўлмай, аҳоли турмуши фаровонлигини юксалтириш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ишларга, жумладан, янги иш ўринлари яратилиб, замонавий ўй-жойлар қурилаётганига, фермер хўжаликлари ва қишлоқлар инфра-тузилмасини ривожлантириш юзасидан чора-тадбирлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлмоқдаман.

Бир неча ҳафта илгари намунавий лойиҳалар асосида қурилган замонавий ўй-жойларни бориб кўрдим. Бугунги кун талабларига жавоб берадиган, барча қўлайликлар яратилган ана шундай уйлар менга жуда ёқди. Шу билан бирга, у ерларда таълим, тиббиёт, савдо муассасалари ва мажмуалари, маънавий хизмат марказлари, болалар спорт майдончаларини кўрасиз, улар Ўзбекистоннинг замонавий жамиятини ва иқтисодиётининг тарраққиётини намоён қилади.

Франсуа Готье, Франциянинг Ўзбекистондаги Фавкуллда ва Мухтор элчиси:

— Президент Ислам Каримовнинг халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқини диққат билан

лан тингладим. Шунга айтишни истар эдимки, мамлакатда Президент раҳбарлиги остида, энг аввало, халқнинг фаровонлиги ва раванқини таъминлашга йўналтирилган изчил ижтимоий сиёсат олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Президентини ҳаққоний равишда қайд этганидек, қишлоқда тегишли инфратузилмага эга бўлган янги замонавий ўй-жойларнинг қурилиши қишлоқ аҳолиси, энг аввало, ёшлар учун янги иш ўринларини яратишга имкон беради, ҳам миллий, ҳам хорижий сармоялар жалб этилишига кўмаклашади.

Ўзбекистон вилоятлариغا сафарим чоғида қишлоқларда жуда катта бунёдкорлик ишлари олиб борилаётганига ўзим амал бўлдим. Бунёд этилган ўй-жойлар жуда чиқроқли, замонавий қиёфа касб этгани ҳолда барча халқро мейёрларга жавоб беради. Французларда шундай матал бор: агар одамлар ниманидир қураётган экан, демек ҳаммаси жойида.

Чон Дэ Ван, Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкуллда ва Мухтор элчиси:

— Президент Ислам Каримовнинг қишлоқ ҳудудларида ўй-жой қурилиши инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизациялаш бўйича ташаббуси давлат раҳбарининг узоқни кўрадиган ижтимоий-иқтисодий сиёсатини намоён этади. Ўзбекистон етакчилиги тажрибали иқтисодчи сифатида ўй-жой қурилишини мамлакат иқтисодиётининг ўта муҳим йўналиши сифатида стратегик жиҳатдан тўғри белгиланган, чунки у банк-молия жаҳбаси, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, коммунал ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, таъ-

лим, тиббий хизмат ва энг муҳими, аҳоли бандлигини таъминлаш сингари соҳаларни қамраб олади.

Бу ташаббус, ўз навбатида, давлатнинг хусусий тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга кўмаклашади, кичик бизнеснинг ривожланиши учун қўлай шароит яратди. Ўй-жой қурилиши соҳасида олиб борилаётган иш қўламли қурилиш кенгайтиришга кўмаклашади, кичик бизнеснинг ривожланиши учун қўлай шароит яратди. Ўй-жой қурилиши соҳасида олиб борилаётган иш қўламли қурилиш кенгайтиришга кўмаклашади, кичик бизнеснинг ривожланиши учун қўлай шароит яратди.

Чжан Сю, Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкуллда ва Мухтор элчиси:

— Ўзбекистон раҳбарининг конференциядаги нутқи хорижлик иш-тироқчилар ўртасида катта ақс-садо берди, чунки қишлоқ туманларида инфратузилмасини ривожлантириш ва ободонлаштириш, шунингдек, турмуш кечирish учун қўлай муҳит яратиш дунёнинг кўпгина мамлакатларида тараққиётнинг устувор масалаларидан бири ҳисобланади.

Шунга қайд этиш муҳимки, Ўзбекистонда қишлоқ жойларда ўй-жой қурилиши ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибор “Обод турмуш йили” Давлат дастурида ҳам ўз ифодасини топан. Сўнги йиллар мобайнида қишлоқ жойларда қурилган минг-мингга замонавий ўй-жойлар аҳолининг турмуш кечирishi даражасини сезиларли ҳолда оширади. Қишлоқ ҳудудларини ривожлан-

тириш ва ободонлаштиришга, аҳоли ҳўжалиғи ҳаёт кечирishi сифатини яхшилашга бўлган тизимли ёндашув, умуман олганда, мамлакат ҳар бир фуқароси манфаатлари йўлида стратегик тараққиёт йўлининг ажралмас бўлаги бўлиб қолди.

Конференциянинг якулилари замонавий ўй-жой қурилиши, қишлоқ ҳўжалиғи жаҳбасини ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш юзасидан жараҳонда тўпланган тажрибага яна бир салмоқли ҳисса бўлиб қўшилиди.

Ануmula Сарма, Хиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавкуллда ва Мухтор элчиси:

— Биз Ўзбекистон қишлоқ жойларининг шаҳарлашуви жараёнига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бу тажриба, қишлоқларда замонавий ва қўлай шарт-шароитларнинг яратилиши ёшларнинг қишлоқ жойлардан шаҳарларга миграциясидан қочиш имконини беради. Бу амалиёт ёшларнинг жойларда иш билан таъминланишига кўмаклашади.

Қишлоқларда замонавий, чиройли, барча талабларга жавоб берадиган уйлар қурилиши натижасида қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси юксалмоқда. Қишлоқларни ривожлантириш нафақат Ўзбекистон, балки барча мамлакатлар, жумладан, Хиндистон учун ҳам долзарб аҳамиятга эгадир. Мазкур халқаро конференция ишида Хиндистондан беш нафар вакилнинг иштирокида иштирок қилган қишлоқ жойларни ривожлантириш масалаларида ўз мамлакатининг Ўзбекистон тажрибасига бўлган катта қизиқишидан далolat беради. Хиндистон компаниялари Ўзбекистонда ҳаёт-га табиқ этилаётган лойиҳаларни

катта қизиқиш билан ўрганиб қиқдилар ва улар мазкур йўналишда ўзаро ҳамкорликка тайёрдилар.

Юрий Савченко, Украинаниннг Ўзбекистондаги Фавкуллда ва Мухтор элчиси:

— Тошкентда бундай катта миқёсдаги анжуманининг ўтказилиши нафақат Ўзбекистон раҳбарияти томонидан қурилиш соҳасига, хусусан, қишлоқ қурилишига қаратилган эътибордан далolat беради, балки қандай қилиб мамлакат келажагини, унинг собитқадам ва изчил олға ҳаракатланишини шакллантириш зарурлиги учун яққол намуна ҳисобланади.

Ҳурматли Ислам Абдуганиевич ўз нутқида халқ фаровонлигини юксалтириш биринчи галдаги вазифа саналадиган Ўзбекистоннинг мураккаб тараққиёт шаклланишининг босқичларини ҳар доим-гидек лўнда ва тушунарли тарзда таърифлаб берганини алоҳида қайд этишини истар эдим.

Ўзбекистон раҳбари ижтимоий соҳана янада ривожлантириш, мамлакат аҳолисини узлуқсиз юксалтириш, модернизациялаш жараёни давом эттириш зарурлиги алоҳида эътибор қаратди. Бунда Ўзбекистон Президентини хос бўлган доимий эътибор талаб қилинадиган масалаларни ҳал этишга нисбатан чуқур ёндашув намоён бўлди.

Ушбу анжуман Ўзбекистоннинг нақадар чуқур ўйланганини, ўзбек халқи ва мамлакат келажаги йўлида қабул қилинаётган барча қарорларнинг оқилоналиги ва аниқ-равшанлигини яна бир бор кўрсатди, деб ўйлайман.

«Жаҳон» АА

АГРОМАСЛАҲАТХОНА

Миришкор пахтакорлар оби-тобади чигит экиб, ниҳолларни тупроқнинг табиий намига ундириб олишди. Бу йилнинг ҳосиятли келаётганлигидан нишона. Айни пайтдаги иқлим ва яратилган шароит мўл, эртаги ва сифатли ҳўсил этиштириш имкониятлари катталигини кўрсатмоқда. Таъкидлаш жоизки, шу кунлардаги гўза парваришида амалга оширилаётган агротехника тадбирлари ҳам мўл ҳўсилга замин бўлади. Ҳўш, улар нималардан иборат?



ГўЗА БЎЙ КўРСАТМОҚДА
Демак, дастлабки ишловга киришиш лозим

Ниҳоллар 60-70 фоиз униб чиққан майдонларда, яъни гўза қатори кўрингандан бошлаб ишлов бериш зарур. Бу агротехник тадбирни эрта бошлаш катта аҳамиятга эга. Кўп йиллик тажрибалар бу тадбир кечиккандан ҳўсил 20 фоизга камайганини кўрсатади.

Қатқалоқ бўлган майдонларда культиваторларга қўшимча равишда ишчи органлар ўрнатиш мақсадга мувофиқ. Биринчи культивацияни сифатли ўтказишни яна бир аҳамияти шундаки, умий қолган чигитлар ҳам тезда буй кўрсатиб, ниҳоллар сони ортади. Вегетация даврида тупроқнинг майин, дондор бўлиши ўсимликнинг яхши ривожланишини таъминлайди, пировардида, сувсизликка чидамлилиги ошиб, сувни 10-15 фоиз тежаш имконини беради. Шу билан бир қаторда гўзанинг гоммос, илдиз чириш каби касалликларга чалинишининг олди олинади. Эрта ишлов бериш натижасида бегона ўтлар ҳали чуқур илдиз отмасдан тозаланади, гўза илдизларининг жадал ривожланишига эришилади.

Тажрибалар шунга кўрсатмоқдаки, гўза қатор ораларига биринчи ишлов бериш эрта бошланганда ўсимликка 3-4 чинбарг пайтда бўлиши билан асосий илдизнинг узунлиги 33-34 сантиметрга етиб, унинг 93-95 донга ён илдизи бўлади. Қатор ораларига биринчи ишлов бериш олти кун кечиктириб, яъни гўза тўла униб чиққандан кейин ўтказилганда эса асосий илдизнинг узунлиги юқоридаги мuddатда фақат 25 сантиметрнинг ташкил этиб, ундан атиги 65-70 та ён илдизлар униб чиққан.

Гўза қатор ораларига ишлов ниҳоллар кўрина бошлаши билан ўтказилганда август ойининг бошида ўртача ҳар тупда 12-13 донга кўсак тўпланган, ниҳоллар 1-2 чинбарг чиқаргандан сўнг қатор орасига ишлов берилганда эса 11-12 та кўсак пайтда бўлган.

Мўл ҳўсил этиштираётган пахтакорлар азалдан гўзанинг биринчи парваришини (чопиқ ва культивацияни) ниҳоллар униб чиқа бошлаган пайтидан бошлаб, улар қийғос кўрарган пайтда тамолайдилар, тупроқни ҳамisha юмшоқ ва бегона ўтлардан тоза ҳолда тутадилар. Бу тадбир ёш ниҳолларнинг ривожланишини тезлаштиради, тупроқдаги намдан самарали фойдаланишга имкон яратди.

Кўп йиллик илмий изланишлар шунга кўрсатдики, гўза танасига тупроқдаги сув ва озиқ моддаларнинг шимиллиши ўсимликларда модда алмасув жараёнларининг меъёрида боришини таъминлайди. Илдизларнинг бундай муҳим ҳаётий фаолияти улар соғлом, яхши ривожланган, шикастланмаган ёки жуда ҳам шикастланган тақдирдагина нормал кечади ва мўл ҳўсил олинишини таъминлайди.

Қатор ораларига дастлабки ишлов беришда кўчатни тўлиқ сақлаб қолиш мақсадида культивацияни секин-аста ўтказиш, гўза ниҳолининг кўмилиб кетиши ҳамда кесилишига асло йўл қўймамаслик керак. Бунда бегона ўтларнинг кўпчилиги, даланнинг зичлиги, қатқалоқнинг бор-йўқлиги кабилар ҳўсбога олиниб, юмшатгич ишчи органлар, дискалар ва пичоқлар ёрдамида тупроққа дастлабки ишлов берилади.

Гўза дастлабки пайтларда биринчи-иккинчи чинбарг пайтда бўлганда, асосан чигит ҳўсбога ривожланиб, фотосинтез жараёни кўчайиши билан озиқ моддаларга талаб ортади. Шунга инobatга олиб, минерал ўғитлар гўзанинг озиқ моддаларни энг кўп ўзлаштира бошлашидан олдинроқ солиниши керак.

Юртимизда экиладиган гўза навлари пахта ҳўсалининг ҳар бир тоннаси ҳўсбога тупроқдан 50-55 килограмм азот, 55-60 килограмм калий ва 15-20 килограмм фосфор олади. Демак, ўғитлар табақалаштирилган меъёр, ҳар хил мuddат ва усуллар бўйича ерга солинади. Ҳар қайси ўғит тупроқда турли даражада ўзлаштирилади. Гўза қатор ораларига ишлов беришда илдизларнинг эркин қўшилишига ва имкон қадар ҳам жароҳатланишига эришмоқ лозим. Шундай экан, гўза қатор ораларига кетма-кeт, кўп марталиб ёки ортиқча чуқурликда ишлов беришга ҳеч қандай ҳожат йўқ. Шунга ҳам эслатиб ўтиш лозимки, деҳқончиликда ҳамша шароитга мувофиқ келадиган ягона кўрсатма ёки тавсия бўлмайди, яъни ҳар бир даланнинг шарт-шароитидан келиб чиққан ҳолда иш тутиш мақсадга мувофиқ.


Ренат НАЗАРОВ, қишлоқ хўжалик фанлари доктори.

Анжиқон Вилояти

ФАЙЗИОБОДА ФАЙЗИЁБЛИК

Президентимиз пойтахтимизда бўлиб ўтган “Замонавий ўй-жой қурилиши – қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқидан мамлакатимизда кенг қўламли олиб борилаётган бунёдкорлик ишларида тўхталар экан: “Қишлоқда қурилиш ҳажми ортиб бораётгани муносабати билан замонавий қурилиш санoати ривожланмоқда, янги иш ўринлари ташкил этилмоқда, аҳоли бандлиги таъминланиб, унинг даромади ва фаровонлиги тобора ошмоқда”, дея алоҳида таъкидладилар.

Асака туманининг Файзиобод қишлоғида янгидан барпо этилган Файзиобод маҳалла фуқаролар йиғини гузарга ҳам юртимизда амалга оширилаётган яратувчанлик ишларига ёрқин мисол бўла олади. Гузар мажмуаси намунавий лойиҳа асосида тадбиркорларнинг савий ҳаракати билан қад кўтарди. Мажмуада 10 дан орттиқ савдо ва хизмат кўрсатиш маркази фаолият бошлади. Вилоят бозорлар уюшмаси ҳам файзиободликларнинг ташаббусига қўшилишиб, мажмуа ҳудудида 20 савдо ўрнига эга бўлган кичик



бозорча бунёд этди. Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мавлон Ориповнинг айтишича, гузар қурилишига тадбиркорлар томонидан 300 миллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди. Натижада ушбу ҳудудда яшовчи аҳоли учун бир қатор қўлайликлар юзага келди. Инфратузилма яхшиланди. Муҳими, гузар мажмуага оширилган яратувчанлик билан қурилиш 30 нафар киши мунтазам иш ўрнига эга бўлди.

Файзиобод қишлоғи намунавий ўй-жойлар бунёд этила бошлаган гўшалардан. Айни пайтда бу ерда 110 та яққа тартибдаги намунавий ўй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Қишлоқ аҳоли деҳқончилик бора-сида ҳам катта тажрибага эга. Айниқса, хонадон шароитида мева, узум ва сабзот маҳсулотлари этиштириш ҳадисини олишган. Аҳоли ўртасида оилавий бизнес ривож топиб бормоқда.

Кобилжон АСКАРОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.

Тошкент Вилояти

Бўка туманидаги “Мустақил Ўзбекистон” фермер хўжалиги раҳбари — тажрибали деҳқон, олий маълумотли агроном Раҳмон Саидов пенсияга чиққунча турли лавозимларда самарали фаолият кўрсатиб, аграр соҳа ривожига салмоқли ҳисса қўшган мутахассислардан ҳисобланади. Бугунги кунда у раҳбарлигидаги фермер хўжалиги аъзолари 80 гектар майдонда галла ва пахтадан мўл ҳўсил олиб, кўпчиликка ибрат бўлмоқда. Р.Саидов халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияда кўчма тўра мулоҳазалари билан кўпчилик эътиборини тортиди. Қишлоқ мулкдори мухбиримиз билан мулоқот чоғида вилоятдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишга дахлдор фикрларини қуйидагича баён этди:

— Президентимизнинг халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги маърузаси вилоятимиз аҳоли учун дастуриламал бўлиб қолди. Ушбу маърузада давлатимиз раҳбари Тошкент вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларини ҳар томонлама чуқур таҳлил этиб, келгусидаги долзарб вазифаларни белгилаб бердилар. Вилоятимиз салоҳиятига, меҳнаткаш аҳолисини юксак баҳо бериб, “Тошкент вилояти ҳақида гапирганда, яна бир муҳим хусусият ҳақида тўхталиб ўтишни жоиз, деб бўлган. Бу, аввало, вилоят аҳолисининг интеллектуал даражаси, билим ва тажрибаси, маъ-

навий савияси билан ажралиб туришида намоён бўлади, десам, айна ҳақиқатни айтган бўламан. Шу боис мана шу дийрға меҳр қўйиб, уни обод қилиб келаётган меҳнатсевар ва олижаноб инсонлар ҳақида ҳар қанча гапирсак, уларга миннатдорлик билдирсак, арзийди, албатта”, дея хурмат-эҳтиром изхор этдилар. Юртимизнинг бундай эътирофлари барча сессия иштирокчилари қатори мени ҳам беҳад тўлқин-

ландириб юборди. Сўзга чиқиб ўз фикр-мулоҳазаларимни баён қилдим. Президентимиз таъкидлаганларидек, вилоятимиз бир қатор соҳалардаги, хусусан, саноат ва коммуникация тармоқларидаги қўлай имкониятлари, йирик корхоналари билан алоҳида ажралиб туради. У азалдан илм-фан, маданият марказларидан бири бўлиб келган. Бугун ҳам воҳода ишлаб чиқариш, сервис, аграр тармоқни ривожлантириш, аҳоли

ривожланишини ошириш бўйича анчагина хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Шунга қарамай маърузада асосли мисоллар билан кўрсатиб ўтилганидек, қўлга киритилаётган муваффақиятлар қаторида ҳали амалга оширилиши зарур бўлган талайгина вазифалар бор. Аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириш, ҳудудлар ободонлигини таъминлаш, айниқса, янги иш ўринларини

яратиш борасидаги савий-ҳаракатларимизни жадаллаштиришимиз тақозо этилмоқда. Бунинг учун жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, фермер хўжалиқларининг кўп тармоқчилигини таъминлаш зарур бўлади. Вилоятимизда ҳозирги вақтда 6 минг 100 дан кўпроқ фермер хўжалиги фаолият юртимокда. Улар томонидан ўтган йили 588 минг тонна галла, 241 минг 400 тонна пахта хирмо-

ни бунёд этилди. Шу билан бир-бир, давлатимиз томонидан кўрсатилаётган улкан амалий ёрдамга қарамастан, Тошкент вилоятининг бир қатор туманларида сўнги йилларда пахта ва галла ҳўсидорлигининг пасайиш ҳолатлари кузатилаётганини барчамизни чуқур мушоҳадага ундаши лозим. Айниқса, ўтган йили вилоятда давлатга галла ва пахта сотиш бўйича шартнома режаларини

ижроси тўла таъминланиши ҳар биримизга катта масъулият юклайди. Шу билан бир қаторда Президентимиз таъкидлаганларидек, вилоятимизда чет эл инвeстициялари асосида ташкил этилиб, ҳозирда маълум сабабларга кўра ишламай турган корхоналарнинг тўхтаб қолиш сабаблари чуқур ўрганилиб, улар фаолиятларини йўлга қўйиш бўйича тегишли ташкилотларга таклифлар киритиш зарур.

Шунга алоҳида қайд этиш лозимки, вилоятимизда аҳоли фаровонлигини янада ошириш ва барча соҳаларда ютуқларга эришиш учун шароит ва қўлайликлар мавжуд. Бунинг учун фақат кучли иштиёқ, фидокорона меҳнат ва хайрли ташаббус керак. Ҳeт шак-шўбха йўқки, вилоятимиз аҳолисини Президентимиз ўртага ташлаган фикр-мулоҳаза ва амалий таклифларни чуқур мушоҳада этиб, мавжуд имкониятларни ишга солиб, фаровонликни таъминлашда бир ёқадан биз чиқариб, яқдиллик асосида ҳозир қилдиладилар ва ишончли тўла оқлайдилар.

Сўхбатдош: Иброҳим ТОШЕВ, “Qishloq hayoti” мухбири.

МАСЪУЛИЯТНИНГ ЗАЛВОРЛИ ЮКИ

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ, КОНЦЕРЛАР, КОРПОРАЦИЯЛАР, БАНКЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ

Институтда таълим олган бакалавр ва магистрлар мамлакатимиз аграр ва сув хўжалиги соҳасида қўлланилиб келаётган замонавий техника ва технологиялар билан кенг таниш бўлиб, иш фаолиятини бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда ташкил қилишда мукамал назарий ва амалий билимларга эга бўлган мутахассислар ҳисобланади.

Маълумот учун телефон: 237-09-85, Факс: (371) 237-38-79. www.tiim.uz. Манзилмиз: Тошкент шаҳри Қори Ниёзий кўчаси 39-уй.

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИНИ 2012-2013 ЎҚУВ ЙИЛИДА БИТИРУВЧИ МАГИСТРАТУРА ТАЛАБАЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

Table with 15 rows and 15 columns. Columns include: №, Таълим йўналиши шифри, Магистратура мутахассислигининг номланиши, Битирувчиларнинг умумий сони, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон вилояти, Бухоро вилояти, Жиззах вилояти, Қашқадарё вилояти, Навоий вилояти, Наманган вилояти, Самарқанд вилояти, Сурхондарё вилояти, Сирдарё вилояти, Тошкент вилояти, Фарғона вилояти, Хоразм вилояти, Тошкент шаҳри, Бошқа.

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИНИ 2012-2013 ЎҚУВ ЙИЛИДА БИТИРУВЧИ БАКАЛАВРЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

Table with 24 rows and 15 columns. Columns include: №, Таълим йўналиши шифри, Таълим йўналиши номи, Битирувчиларнинг умумий сони, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон вилояти, Бухоро вилояти, Жиззах вилояти, Қашқадарё вилояти, Навоий вилояти, Наманган вилояти, Самарқанд вилояти, Сурхондарё вилояти, Сирдарё вилояти, Тошкент вилояти, Фарғона вилояти, Хоразм вилояти.

